ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР: * ҒЎЗА НИҲОЛЛАРИГА УЗУНАСИГА ВА КЎНДАЛАНГИГА ИШЛОВ БЕРИШНИ КУЧАЙТИРИБ ЮБОРАЙЛИК * ПАРВАРИШДА КУЛЬТИВАЦИЯ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИ БИРГА ҚЎШИБ ОЛИБ БОРАЙЛИК * АГРЕГАТЛАРНИНГ УНУМЛИ ИШЛАШИГА ЭРИШАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 95 (4342). | 14 май, пайшанба—1970 йил. | Баҳоси 2 тийин.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Партия XXII съезди» колхози пахтакорлари улуғ мақсад йўлида ҳормай меҳнат қилишаяпти. Улар кун сайин ғўза парваришини кучайтириб, ниҳолларнинг ҳосилдор бўлиб етилиши учун барча тадбирларни кўрмоқдалар. Ғўзаларни культивация қилиш, озиқлантириш, суғориш ишлари меёрида олиб борилмоқда. Суратда: колхознинг К. Абдиев бошлиқ звено пахта даласида ғўзаларни кўндалангига культивация қилиш пайти.

НУРСАИД МАМБЕТОВ Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг пешқадам звено бошлиқларидан бири. У бошлиқ коллектив бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариш учун ҳаракат қилишаяпти. Ҳозирги кунда звено аъзолари ғўзага иккинчи ишлов беришни памунали олиб бормоқдалар. Суратда: звено бошлиғи Н. Мамбетов.

А. АБАЛЯН фотолари.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ШОЛИ

«Заря коммунизма» колхози Оққўрғон районида, пахта ва каноп етиштирадиган илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Хўжалик деҳқонлари кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган шоличиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Ўтган хўжалик йилида шоликорлар давлатга шоли сотиш планини 120 процент бажарган эдилар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 5 центнер кўп, яъни 33 центнерни ташкил этганди. Бу йил ҳам улар эрта баҳордан астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кунда барча шоли майдонларида тайёргарлик ишлари тугалланди. Экиш учун сара уруғлик ҳозирлаб қўйилди. Суғориш иншоотчилари сифатли ремонт қилишди.

Шоличиликда катта тажриба ва маҳоратга эга бўлган Ньян Владимир бошлиқ бригада деҳқонларининг бу йилги ҳаракатлари ўзгача. Улар ўзларига қарашли 130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 60 центнердан шоли етиштириш ниятида-лар. Ҳозир экишни қисқа муддатда тугаллаш, шоличиликда оғир қўл меҳнати ҳисобланган ўтоқни енгиллаштириш учун барча чоралар кўрилмоқда. Бригада шоликорларининг ҳар бири ўз зиммасига 12—14 тоннадан шоли етиштиришга аҳд қилган.

Хўжалик шоликорлари бу йил ҳосилдорлиги пландагига нисбатан 4—5 центнер кўтариш, 35 центнердан ошириб шоли олишга аҳд қилишган.

С. МУСТАФОЕВ.

Л. И. БРЕЖНЕВ Р. КАСТРО БИЛАН УЧРАШДИ

12 майда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба Республикаси Бош министрининг ўринбосари ва революцион қуролли кучлар министри ўртоқ Р. Кастро Рус билан учрашди. Ўртоқ Р. Кастро, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги Совет Иттифоқида байрам қилинишида ҳамда совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 25 йиллиги байрамида қатнашди.

Суҳбат чоғида ўртоқ Л. И. Брежнев ва ўртоқ Р. Кастро ҳар икки халқ манфаатлари, социалистик ҳамдўстлик, барча революцион ва антиимпериалистик кучлар бирлиги ва жипслиги манфаатлари йўлида Совет—Куба муносабатларини янада ривожлантириш, КПСС билан Куба Компартияси ўртасидаги дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтишди. Жаҳоннинг турли районларида империалистик реакциянинг агрессив ҳаракатлари кучайиб бораётганлиги муносабати билан халқаро аҳволнинг актуал проблемалари юзасидан фикрлашиб олишди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС, бутун совет халқи Кубани иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда, революцион ғалабаларни ҳимоя қилишда, янги социалистик жамият вужудга келтиришда кубалик дўстларнинг янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини қизғин тилайди, деб таъкидлади. Ўртоқ Р. Кастро экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, коммунизм қурилишида совет халқи эришган муваффақиятларни юксак баҳолади.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев ва СССР Мудофаа министри ўртоқ А. А. Гречко қатнашдилар.

Учрашув самимий дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 121-Янгийўл сайлов округи комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг тракторчиси ЭНВЕР АЛИЕВ ана шу округдан депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинди.

ТОШКЕНТДА МАМЛАКАТ ФИЗИКЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Тошкент бир ҳафта электроника маркази бўлиб қолди. Бу фан билимлар ҳамма соҳаларининг муваффақиятини белгилиб беради. Ўсиз техника тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас. 11 майда Ўзбекистон пойтахтида эмиссион электроника бўйича очилган 14-Бутуниттифоқ конференциясида мамлакатнинг бу соҳада тадқиқотлар олиб борилаётган барча илмий муассасалари вакиллари, социалистик мамлакатлардан келган меҳмонлар қатнашмоқдалар.

Физиклар анжуманини республика билимлар уйида тантанали очиш чоғида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова конференция қатнашчиларини табриклади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари К. И. Афанасьев, СССР Фанлар академиясининг президиумни номидан профессор Н. Л. Яснопольский, ўз мамлакатларининг делегациялари номидан доктор Х. Нанев (Болгария), доктор Е. Бакош (Венгрия), доктор И. Вольф (ГДР), профессор Б. Пашковмский (Польша), доктор З. Канка (Чехословакия) конференция ишига муваффақият тиладилар.

Бутуниттифоқ конференцияси СССР Фанлар академиясининг физика электроникаси бўйича илмий совети билан биргаликда ўтказган ўзининг биринчи умумий мажлисини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қатнашмоқдалар.

Конференция программаси олти кунга мўлжалланган.

Е. ЕФИМОВ,
А. ЕРШОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

КИТОБ—ҚУРОЛ

Солдатнинг юк халтасига солиб қўйилган китоб шиддатли жанг пайтида ва бир дақиқалик сокинлик пайтида унга мадад бериб, Улуғ Ватан урушининг қанча-қанча йўлларидан бирга ўтди! Китоб-солдатнинг дўсти, унинг қуроли бўлди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ёзувчиларининг Москвалик адиблар иштирокидаги регионал йиғилиши жангларда ҳамроҳ бўлган, қурол бўлган китобга бағишланди.

13 майда Тошкентда бўлган йиғилишни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин очди.

СССР Ёзувчилар союзи ҳарбий-бадиий адабиёт комиссиясининг аъзоси И. Т. Козлов «Харбий-ватанпарварлик адабиётининг ривожланиш йўллари» тўғрисида доклад қилди.

Музокараларда сўзга чиққан адабиётчилар Улуғ Ватан урушининг, шу кунлардаги совет солдатига бағишлаб ўз республикаларида яратилган ва яратилаётган китоблар тўғрисида сўзлаб бердилар.

(ЎзТАГ).



ДЕҲҚОН ЗАКОВАТИ

Апрелнинг ўрталарида бозорларга тушсангиз, пештахталарда у ер-бу ерда уюб қўйилган эртаги сабзавотни кўрасиз. Уни кўпинча баъзи резаворчилар етиштириб чиқаради. Бундан бир неча йил илгари Тошкент бозорларига апрель охирларида узоқ Сурхондарёдан келтирилган қарам сотилаётганлигини кўрганмиз. Иқлими жиҳатидан Тошкентга қараганда анча иссиқ бўлган Термез, Денов деҳқонлари карамни барвақт экиб, ҳосилни эрта пиширар ва тошкентликларга совға қилардилар. Бундан, албатта, ҳамма мамнун эди.

Лекин, тошкентлик сабзавоткор деҳқонлар шундай эртаги маҳсулот етиштиришаётганликлари учун пойтахт аҳолисидан хижолатда эдилар. Улар ҳижолат бўлибгина қолмай, ҳаракатда ҳам эдилар. Ҳа, шаҳарга яқин бўлган колхоз, совхозларнинг сабзавотчилари эртаги маҳсулот етиштириш режаларини тузиб, бу соҳада кўп изланадилар. Ана шу изланишлар натижаси қувончли бўлиб чиқди.

Яқинда, биз Калинин районидаги «Қорасув» совхозида бўлдик.

Сўлим баҳор кунлари. Далалар янги либосда кўзни қувнатади. Деҳқонлар меҳри тўкилган пайкалларда бодринг палаклари қанот ёзган. Сабзи-пиёзлар қар-қара. Бундай пайтда эртаги экинлар ҳосили пишиб етилишига ўрганилмаган. Шунинг учун бўлса керак, катта ҳандалакдек бўлиб қолган карам бошлари кишиларни ҳайратга соларди. Карамнинг апрель ойи ўрталарида шундай етилиши ҳақиқатан ҳам ғалати эди. Совхоз бош агрономи Файзулла Азимхўжаев билан далаларни айланиб юрганимизда, у гоҳ куйиниб, гоҳ ҳаяжонланиб сўзларди:

— Икки йил бўлди, карамни кузда экиб, ҳосилини эрта баҳорда барвақт узяпмиз. Биласизми, дастлабки йили жуда қийналиб кетдик. Кузда карам экиб, ҳосил етиштирамиз, десак, баъзи кишилар, ҳатто, шу соҳадаги илмий ташкилотнинг айрим ходимлари «бўлмайди, кузда экилган карам баҳорга чиқиб, ўраш ўрнига гуллаб кетади,» дейишди. Деҳқон бироз таваккалчи бўлмаса бирор янги ишни амалга оширолмайди. Биз ҳам таваккал қилдик. Дастлабки йили кузда озроқ ерга карам кўчати экиб, пленкалар билан яхшилаб ўраб қўйдик. Баҳор чиқиши билан кўчатларни кўздан кечирсак, чакки эмас: барглари сал-пал саргайган, лекин, ўсиш нуқтаси, узининг ҳолати кўнгилдагидек. Ерда нам кўп бўлишига қарамасдан, ёш карамларни дарров сугордик. Тупроқдаги қишнинг заҳрини баҳор суви бирмунча кўтарди. Карам кўчатлари ўзини ўнглаб олиб, яхши ривожлана бошлади. 1968 ва 1969 йилнинг қиши қаттиқ келганига қарамай, кузда экилган карам биз мўлжалланган фурсатдан бирмунча кейинроқ пишиб етилган бўлса ҳам, аммо баҳорда пленкалар тагига экилган карамга нисбатан анча барвақт узилди. Юқорида айтилганидек, айрим кишиларнинг кузда экилган карам баҳорда гуллаб кетади, дейилган гапи нотўғри чиқди. Бизнингча, кузда экилган карам баҳорда пишиб етилиши билан тезда йиғиштириб олинса, ҳеч қандай гулланиш йўл қўймайди. Агар узиш кечикиб кетса, ана шундай ҳолнинг юз бериши мумкин.

Бош агрономнинг айтишига қараганда, совхоз ишчилари ўз тажрибалари янада мустаҳкамлаб, кузда карам экиш агротехникасининг бошқа сирларини ҳам пухта эгаллаш учун тинмай ҳаракат қилганлар. 1969 йил кузида карам экиладиган ер майдонлари кўпайтирилди. Ҳосили барвақт етиладиган янги «Дербент» навли карам уруғини экишга қарор қилинди.

Март ойи бошларида, мамлакат улуғ доҳий юбилейига тайёргарлик кўраётган кезларда шу «Қорасув» совхозидан келган бир харбада коллектив аъзоларининг юбилейга совғалари ҳақида гап юритилганди. Унда совхоз ишчилари юбилей шарафига, яъни апрель ойининг ўрталарида, шаҳар меҳнаткашларига карам етказиб беришга қарор қилганликлари айтилган эди. Шунда ҳамма ажабланиб, карам экилганига ҳали кўп бўлгани йўқ, қандай қилиб апрель ойида етилади, дейишган эди. Лекин, ўз касбини севган, шу касбга меҳр қўйган, шу касб сирларини тинмай ўрганиб, уни ривожлантираётган қорасувликлар ҳаммани ҳайратда қолдириб, 14 апрелда тошкентликларга дастлабки карам ҳосилини совға қилдилар. Бу эрта баҳорда очиқ ерга экилган карам кўчатларига нисбатан 40-45 кун илгари ҳосил етиштиришга эришилганини кўрсатиб турарди.

Файзулла Азимхўжаев ҳисоботкитоб қилиб беради:

— Кузда экилган карамнинг баҳорда экилганга қараганда афзалликлари шундаки, биринчидан, ҳосил шаҳар аҳолисига барвақт етказиб берилади, яъни, учинчи-мунча бозорчилар синдирилади. Иккинчидан, кузда, яъни ерларда трактор ишлаши мумкин бўлган пайтда, карам кўчати «СКНБ—4» машинасида экилиб, қўл меҳнати камайтирилади. Ваҳоланки, баҳорда пленкалар тагига кўчатни машинада экиш анча мушкул. Шунингдек, кузги кўчат кўкламда тайёрланган кўчатга қараганда 7—8 марта арзонга тушади. Энг муҳими, кузда экилган карам эрта баҳорда барвақт йиғиштириб олинади. Унинг ўрнига хоҳлаган экинни экиб олиш мумкин.

Қорасувликлар кузда ерларни яхши тайёрлаб қўймоқдалар. Ҳар гектар ерга 20-25 тонна маҳаллий ўғит, 400 килограммдан суперфосфат, 100-150 килограммдан калий ўғити солиниб, ер сифатли ҳайдалмоқда, «ПР-5» ер текислагич билан созланмоқда.

«Қорасув» совхозида бундан икки йил илгари тажриба қилиб кўрилган ва ҳозирги пайтда ҳамага маъқул бўлган бу усулни областимиздаги шаҳар атроф хўжаликларида амалга оширилса мақсад иш бўлади. Бу ерлик деҳқонлар дастлабки йили карам кўчатини кузда, октябрь ойида экдилар. Ундан кейинги йили декабрнинг ўрталарида кўчат ўтказдилар. Маълум бўлишича, декабрь ойида экилган карам кўчати юқори ҳосил берди.

Карам уруғи 10 сентябрда очиқ ерга сепилиб, 4-6 та чинбарг чиқаргач,22 октябрда кўчат қилинганда, ҳар гектар ердан 120 центнердан ҳосил олинди. Уругни 10 октябрда совуқ парникка сепиб юқорида айтилган миқдорда барг чиқаргач, ноябрнинг охирида далага экилганда олдинги муддатдагига нисбатан ҳосил юқори бўлиб, у 140 центнерни ташкил этди. Кузда тайёрланган кўчатлар ерга кузда экилмай, эрта кўкламда ўтқазилганда эса ҳосил сал юқори бўлди, аммо у 5-7 кун кеч пишди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз,— давом этади бош агроном,— биринчи навбатда ҳосилни барвақт етиштириш. Лекин, бир гектар ердан олинадиган ҳосилни кам деганда 140-150 центнердан кам бўлмаслигига эришиш.

Кузда экилган карамнинг агротехникаси қандай бўлади?

Файзулла Азимхўжаев бу саволга қўйидагича жавоб беради:

— Кўчат экилгач, пленка учун сим қадаб қўйилади. Кун совуй бошлаши билан, яъни ҳаво тафти бир-икки даражага тушганда, пленкалар ёпилади. Жўякларнинг бош томонлари, ёнлари тупроқ билан бостирилиб, шиббалаб қўйилади. Шу билан кўкламгача фақат хабар олиб турилади. Баҳорда ҳаво исий бошлаши билан пленка ёпилган эгатларнинг икки томони очилиб, шамоллатилади. Ҳаво тафти кўтарилавергач, пленкалар ёнига олиб қўйилиб, экин атрофи ўтоқ қилинади ва енгил чопиқ ўтказиб, сугорилади. Бундан кейинги ишлар кўкламнинг тафтига қараб олиб борилаверади. Карам пишиб етилгунча тўртбеш марта шарбат суви берилса, ҳосилнинг тўғри яхши бўлади ва сифати ҳаммани қаноатлантиради.

Апрель ойининг ўрталарида пишиб етилган карамнинг ҳар бир донаси ярим килограммдан, бир ярим килограммгача бўлди. Эртаги карам унча тош босмайди, деган гап пучга чиқди.

Албатта, деҳқон бир ишни қилишдан олдин бунинг иқтисодий томони қандай бўлиши ҳақида эътибор бераман, бино ичини қуртларнинг кичик ёшдалигида ҳар куни бир марта, катта ёшдалигида эса икки мартадан супураман. Бу тадбирлар қуртларнинг касал бўлмаслигига катта ёрдам беради.

Ипак қуртларини зараркунандалардан (чумоли, ари, илон, қурбақа ва парранда кабилардан) асраш учун сўкчакларнинг оёқ томонларига салидол сургич, қуртхона дераза ва туйнукларига парда тутиб қўяман.

Қуртлар етилганда аввал сўкчакларнинг чет-атрофига, сўнгра устига сувоқ, минғбоши ва оқшўра аралаштириб боғланган қуруқ дасталарни бир текисда териб қўяман. Даста қўйишдан олдин баргга тўймаган қуртлар учун сийрак барг ташлайман.

Даста қўйиб олиш қуртларнинг ҳаммаси баргга тўйиб дастага киргунча давом эттирилади. Дастага кирган қуртларнинг пилла ўраши учун бу дасталарни алоҳида жойга қўйиб қуртхонанинг иссиқлигини ва тоза ҳавосини таъминлаб тураман. Ипак қурти пилла ўрай бошлаганидан етти кун ўтгач, яъни пилла ичидаги қуртлар гумбакка айлангандан кейин агрономиз рухсати билан пилла теришга киришамиз. Пиллани сортларга қараб уч қисмга ажратиб терамиз. Бундай терилган пилланинг асосий қисми юқори сортларга топширилади.

Латифа МИРЗОЕВА,
Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг пилла чилик звеноси бошлиғи.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

12 майда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Германия Федератив Республикасининг статс-секретари Э. Бар ни қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар муҳокама қилинган шу суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси В. М. Фалин, ГФРнинг Москвадаги элчиси доктор Х. Аллардт ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

(ТАСС).

«КОСМОС-344» УЧИРИЛДИ

1970 йил 12 майда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-344» учирилди. Йўлдош ичига 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазони текширишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация—ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

МЎЛ ВА СИФАТЛИ ПИЛЛА ЕТИШТИРАМИЗ



Пиллачиликда ҳам бошқа соҳалардаги каби барча ишни пухта тайёргарлик билан бошлаш лозим. Мен мўл ва сифатли пилла етиштириш соҳасида илғорлар тажрибасига суянган ҳолда иш тутиб келмоқдаман. Кўпйиллик тажрибам шуни кўрсатдики, ипак қуртини парваришлашга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш, қурт боқиладиган жойларни агротехника қоидаларига мувофиқ тартибга солиш зарур.

Мен ҳар йили тўрт қути ипак қурти олиб, уни махсус икки қаватли сўкчакларда парвариш қиламан. Қуртларни кичик ёшдан катта даҳасигача бўлган даврда икки квадрат метрдан то 30 квадрат метргача сўкчакларда сийраклаштираман. Катта даҳаси ва пилла ўраш даврида эса сўкчакларни 60—70 квадрат метргача етказиш, қуртхонанинг иссиқлик ҳароратига ҳам катта эътибор бериш лозим. Иссиқлик ҳарорати қурт боқиш агротехникаси қоидалари асосида сақланиб, кичик ёшларда 26—27 даражагача, катта ёшларда ва пилла ўраш даврида эса 24—25 даражада сақлаш керак.

Қуртхона ҳавосини янгилаб туриш ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳар икки-уч соатда 10—15 минут давомида хонада ҳавони янгилаб туриш лозим. Бино ичи доим ёруғ бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ёруғлик қуртларнинг яхши барг ейиши ва тез етилишини таъминлайди.

Ипак қуртининг тез етилишида унга агротехника қоидалари асосида озуқа бериш ҳам аҳамиятлидир. Қуртларга бир сутқада кичик ёшида 10—12 мартдан, катта даҳасида эса 7—8 мартдан барг бераман. Барглари кичик ёшида майдалаб, катта ёшида эса навдаларини бутаб бериш керак. Мен қуртларнинг катта ёши даврида баргни шахмат шаклида, яъни бир марта кундалангига, иккинчи марта эса узунасига ташлайман. Бунинг афзаллиги шундаки, барг ана шундай ташланганда қуртлар баргни тез ва тоза ейди, озуқа ортиқча исроф бўлмайди.

Тут баргларини ҳар куни эрта билан, қуёш чиқмасдан ва кечқурун қуёш ботиши олдида, эҳтиёжига яраша тайёрлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилинганда узилган барг сўлимайди ва сифатини йўқотмайди. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, қуртларнинг пўст ташлаш (ухлаш) даврида алоҳида хушёрлик талаб қилинади. Бу даврда қуртхонанинг иссиқлигига ва ҳавосига яхши эътибор бериб турилса, қуртлар бир текисда пўст ташлайди. (уйқудан туради). Юқоридаги таомилга риоя қилганда қуртлар яхши етилади ва бир текисда дастага киради. Уларнинг ўраган пилласи юқори сифатли бўлиб, оғирлиги 2—3 граммдан кам бўлмайди.

Қурт боқиш даврида қуртхоналарнинг тозалигига алоҳида эътибор бераман, бино ичини қуртларнинг кичик ёшдалигида ҳар куни бир марта, катта ёшдалигида эса икки мартадан супураман. Бу тадбирлар қуртларнинг касал бўлмаслигига катта ёрдам беради.

Ипак қуртларини зараркунандалардан (чумоли, ари, илон, қурбақа ва парранда кабилардан) асраш учун сўкчакларнинг оёқ томонларига салидол сургич, қуртхона дераза ва туйнукларига парда тутиб қўяман.

Қуртлар етилганда аввал сўкчакларнинг чет-атрофига, сўнгра устига сувоқ, минғбоши ва оқшўра аралаштириб боғланган қуруқ дасталарни бир текисда териб қўяман. Даста қўйишдан олдин баргга тўймаган қуртлар учун сийрак барг ташлайман.

Даста қўйиб олиш қуртларнинг ҳаммаси баргга тўйиб дастага киргунча давом эттирилади. Дастага кирган қуртларнинг пилла ўраши учун бу дасталарни алоҳида жойга қўйиб қуртхонанинг иссиқлигини ва тоза ҳавосини таъминлаб тураман. Ипак қурти пилла ўрай бошлаганидан етти кун ўтгач, яъни пилла ичидаги қуртлар гумбакка айлангандан кейин агрономиз рухсати билан пилла теришга киришамиз. Пиллани сортларга қараб уч қисмга ажратиб терамиз. Бундай терилган пилланинг асосий қисми юқори сортларга топширилади.

Латифа МИРЗОЕВА,
Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг пилла чилик звеноси бошлиғи.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА — КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

СОВЕТ ХАЛҚИ ВА БУТУН ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ БУНЕДКОРИ, ДУНЕДА БИРИНЧИ СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТИНИНГ АСОСЧИСИ, РОССИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ДОҲИЙСИ, ГЕНИАЛ МУТАФАККИР ВА РЕВОЛЮЦИОНЕР ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА НИШОНЛАДИЛАР.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ КОММУНИСТЛАР ҲАМДА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАР УРТАСИДА ЧУҚУР ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПАРТИЯ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР. ПАРТИЯ ВА КОМСОМОЛ СИЕСИЙ МАОРИФ СИСТЕМАСИНИНГ ПРОПАГАНДИСТЛАРИ УЧУН АНА ШУ МУҲИМ НАЗАРИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ УРГАНИШ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР БОСИЛМОҚДА.

1970 ЙИЛНИНГ 21 ВА 22 АПРЕЛИДА МОСКВАДА БЎЛИБ УТГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС МАТЕРИАЛЛАРИ БЎЙИЧА МАЙ ОИИДА ИККИ МАШҒУЛОТ (ТЎРТ СОАТ) УТКАЗИШ ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ.

I ТЕМА

В. И. ЛЕНИН — МУТАФАККИР ВА РЕВОЛЮЦИОНЕР

Бу темани ўрганиш пайтида қуйидаги масалаларни қараб чиқиш тавсия этилади:

1. В. И. Ленин — янги типдаги партия — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси ва доҳийси.

2. В. И. Ленин — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси.

В. И. ЛЕНИН — ЯНГИ ТИПДАГИ ПАРТИЯ — СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ АСОСЧИСИ ВА ДОҲИЙСИ

Бу масаланинг мазмунини баён қилиш вақтида аввало марксизмни ривожлантиришдаги ленинча босқичнинг бошланишини кўрсатиб бериш зарур.

В. И. Ленин илмий коммунизм асосчилари бўлган Маркс ва Энгельс таълимотига таяниб, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?», «Россияда капитализмнинг тараққийси» ва бошқа асарларида барча капиталистик мамлакатлар сингари Россия ҳам бир хил ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қонунлар асосида ривожланаётганлигини таъкидлаб ўтди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида барча капиталистик мамлакатлар шу жумладан, Россия ҳам, ўз тараққиётининг сўнгги босқичи — империализм даврига кирди.

Империализм даврининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу даврда капитализмдан социализмга ўтиш ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуни бўлиб қолади.

Ленинизмнинг қарор топиши ва ривожланиши народникларга қарши, «легал марксистлар», «экономистлар» ва марксизмга зид бўлган бошқа хил оқимлар ва гуруҳларга қарши, Маркс ва Энгельс революцион таълимотининг софлиги учун кураш натижасида рўй берди.

В. Н. Ленин таъкидлаб ўтганидек, янги ижтимоий ва давлат тузумининг ғалабаси учун марксизмнинг илмий назарияси билан қуролланган ишчилар синфининг революцион партияси бўлиши шарт эди. 1902 йилда эълон қилинган «Нима қилмоқ керак?» деган асарида В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Қани бизга революционерлар ташкилотини берингчи, биз Россияни тубдан ўзгартириб юборамиз». Худди мана шундай партия халқаро революцион ҳаракат тарихида биринчи марта В. И. Ленин томонидан ташкил этилди. Меньшевиклар, троцкийчилар ва бошқа турдаги оппортунистларга қарши мусассиз курашда 1903 йили Россияда Коммунистлар партиясига асос солинди, бу партия халқни Улуғ Октябрь ғалабасига олиб келди.

В. И. ЛЕНИН — УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ИЛҲОМЧИСИ ВА ТАШКИЛОТЧИСИ

Бу масаланинг тарихига қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи жаҳон уруши йилларида В. И. Ленин монополистик капитализм моҳиятини таҳлил этиш асосидан улкан илмий иш олиб борди. У капитализмнинг энг юқори ва сўнгги босқичи ҳамда социалистик революция арафаси бўлган империализм ҳақидаги назарияни яратди. В. И. Ленин капитализмнинг янги хусусиятлари пролетариатнинг буржуазияга қарши голибона кураш олиб боришга учун янги имконият ва истиқболлар яратиб бериши, бу хусусиятлар ана шу курашни кучайтиришни тақозо этишини исботлаб берди.

Социалистик революциянинг дастлаб бир неча ёки алоҳида олинган бир капиталистик мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлиги ҳақидаги хулоса Ленининг энг буюк кашфиётларидан бири бўлди.

Бу ерда В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси», «Европа Қўшма Штатларининг шиори тўғрисида», «Ушбу революцияда пролетариатнинг вазифалари тўғрисида» ҳамда бошқа асарларини айтиб ўтиш зарур. Чунки бу асарларда социалистик революция назарияси — буржуа демократик революцияда пролетариатнинг гегемонлиги, пролетариат ва деҳқонларнинг революцион демократик диктатураси, бошқа синфлар ва партияларга муносабат, пролетар партиясининг революциянинг кўтарилиш ва пасайиш давридаги тактикаси ҳақидаги назария ва бошқалар кенг ёритиб берилган. Ленининг ана шу улуғ ғоялари тарихий ва халқаро аҳамиятга эгадир.

1917 йил февраль революцияси натижасида чоризм ҳокимияти агдариб ташланди, Ленининг пролетариат ва деҳқонларнинг революцион демократик диктатураси ҳақидаги ғояси амалга ошди, ишчи ва солдат депутатларининг Советлари тузилди.

В. И. Ленининг машҳур «Апрель тезислари» социалистик революцияга ўтиш йўлини белгилаб берди. Ленин бошлиқ Коммунистик партия раҳбарлигида эришилган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси буржуа ҳокимиятини агдариб ташлаш ҳамда ишчи ва деҳқонлар давлатини вужудга келтириш имконини берди.

Улуғ Октябрь инсоният тарихида янги давр, капитализмнинг инқирозга юз тутиши ва коммунизмнинг қарор топиш даврини бошлаб берди.

Буларнинг барчаси социалистик революция ҳақидаги назарий хулосаларни ва унинг илмий қийматини тўла тасдиқлади.

Улуғ Ленининг таълимоти қардош коммунистик ва ишчи партиялар учун қўлланма бўлиб хизмат қилаётганлигини қисқа хулосаларда тушунтириб ўтилса, яхши бўлади.

«Ленинизм — империализм ва пролетар революциялари даврининг, мустамлакачилик инқирози ва миллий озодлик ҳаракатлари ғалабаси даврининг, инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиш ва коммунистик жамият қурилиши даврининг марксизмидир».

II ТЕМА

ЛЕНИНИЗМ — КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ БАЙРОҒИ

Темани ўрганиш плани:

1. **Совет Иттифоқида социализм ғалабаси — ленинизмнинг буюк тантанаси.**

2. **Ленинизм ва коммунизм қуриш масалалари.**

3. **Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — Ленин партияси.**

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА СОЦИАЛИЗМ ҒАЛАБАСИ — ЛЕНИНИЗМНИНГ БУЮК ТАНТАНАСИ

Бу ўринда Ленининг социализм қуриш плани ва унинг мамлакатимизда амалга оширилиши тушунтириб берилиши зарур. Бу планнинг таркибий қисмлари: мамлакатни индустриаллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революциядан иборат. Ленининг социализм қуриш плани бир қатор масалаларни: ишлаб чиқариш қуролларининг ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ҳамда кишиларнинг маънавий дунёсини янгилаш масалаларини ўз ичига олган эди.

Ленинча планнинг амалга оширилиши натижасида 30-йилларда Совет Иттифоқида социализм ғалаба қозонди. Мамлакатимиз иқтисодий қолоқ давлатдан индустриал-колхоз давлатига айланди.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида ҳамма қийинчиликларни енга бориб, ўнг, «сўл» ва бошқа хил оппортунистларга қарши курашиб, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қозонишига эришди, коммунистик жамият қуриш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирди.

Бу ерда қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш ўринлидир: Совет Иттифоқи саноати эндиликда беш кун ичида чор Россияси саноати бир йил мобайнида ишлаб чиқарганига қараганда 15 баравар ўсди, у ҳозир триллион сўмдан ортиб кетди.

Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилганлиги, барча совет халқларининг ҳар томонлама ва доимий катта ёрдами туфайли Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Бир вақтлар чор Россиясининг чекка мустамлакаси ҳисобланган бу ўлка — Совет Ўзбекистони эндиликда индустриал-колхоз республикасидир. Ўзбекистон ССР да 1300 дан ортиқ йирик завод ва фабрика мавжуд бўлиб, улар энг илғор техника билан қуролланган. Совет ҳокимияти йилларида саноатнинг ялпи маҳсулоти 32 баравар ўсди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги Ўзбекистон — мамлакатнинг асосий пахта базаси, ўлкада Иттифоқ пахтасининг 70 процентга яқини етиштирилмоқда.

Индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ўзбек халқининг миллий маданиятини барқ уриб ривожлантириш учун замин яратди.

Бир авлод умрига тенг давр мобайнида Ўзбекистон халқлари Совет Шарқи республикаларининг халқлари сингари капиталистик ривожланиш босқичини четлаб феодализмдан социализм сари сакраш қилдилар.

Теманы якунлаб, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бизнинг жамиятимиз барча миллатлар дўстлиги, пролетар интернационализми, СССР меҳнаткашларининг маънавий-сиёсий бирлиги ғояларининг мужассам ифодасидир.

Социализм ғалабаларини қўлга киритишда ишчилар синфи етакчи роль ўйнади, колхозчи деҳқонлар ишчилар синфининг энг яқин иттифоқчиси бўлди. Ҳозирги вақтда ишчилар билан деҳқонлар иттифоқи Совет жамиятининг бузилмас пойдеворидир.

Интеллигенциямизнинг ҳам роли бениҳоя катта. Совет олимлари, инженерлари, техниклари, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ходимлари, санъат ва маданият арбоблари совет жамиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқдалар.

ЛЕНИНИЗМ ВА КОММУНИЗМ ҚУРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аввало шуни эслатиб ўтиш зарурки, коммунистик жамият қуриш йўллари партия Программаси, КПСС съездлари ҳамда Марказий Комитет пленумларининг қарорларида белгилаб берилган. 1966—1970 йилларга мўлжалланган халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани муваффақиятли адо этилмоқда.

Юбилей мажлиси материалларида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги вақтда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида янги йирик қарорлар қабул қилиш зарур бўлиб қолди. Бу йил КПССнинг XXIV съезди чақирилади, съездда янги беш йиллик план Директивалари тасдиқланади. Партия Ленин васиятларини амалга ошира бориб, экономикани ривожлантиришда энг асосий бўғин — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборатдир, деб ҳисобламоқда.

Бунинг учун: илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнатни ташкил этиш ҳамда иш услубини такомиллаштириш, кун далик ҳамда перспектив планлаштиришни яхшилаш, мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, меҳнаткашларни саноат ҳамда қишлоқ хўжалигини бошқаришга янада кенг жалб этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд қувватлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигида ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда тежамкорликни кучайтириш, мамлакатимизнинг ижтимоий бойлигини сақлаш ва кўпайтириш талаб этилади.

Партия социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида Совет халқи моддий фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришга катта эътибор бериб келмоқда. Шу муносабат билан партия программасида шундай муҳим проблемаларни ҳам ҳал этиш кўзда тутилмоқдаки, бундай проблемалар, масалан, синфлар ўртасидаги тафовутни аста-секин тугатиб бориш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни йўқотиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутни бартараф этишдан иборат. Бу масалаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқариш кучлари ва маданиятни янада ривожлантириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва характерини ўзгартириш, бутун халқнинг маданий ва касб-техник саviясини ошириш талаб этилади.

Миллий масала бўйича Ленин программасининг амалга оширилганлиги Совет халқи эришган буюк ғалабалардан бири бўлди. Бизнинг кўпмиллатли мамлакатимизда коммунизм қурилиши миллатларнинг ҳар томонлама яқинлашуви, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бири-бирига ўзаро ёрдамини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бунга эришмоқ учун барча республикаларимиз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш, социалистик демократизмни ривожлантиришга қаратилган ленинча йўлни ўтказиб келмоқда.

Совет давлати — меҳнаткашлар давлати, меҳнаткашлар учун тузилган давлат, меҳнаткашлар бошқарадиган давлат. Бу қоидани тушунтириш вақтида В. И. Ленин юбилейи шарафига бошланган ва беш йиллик планни муддатидан олдин бажаришга қаратилган умумхалқ мусобақаси, шунингдек 1970 йилнинг 11 апрелида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ленинча шанбалик якунларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ана шу куни совет халқлари Улуғ Ватанимиз фаровонлиги йўлида текин ишлаб, меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатдилар.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш мақсадида кўплаб корхоналар ва ташкилотлар Юбилей фахрий ёрлиқлари билан, ишчилар, колхозчилар, ақлий меҳнат ходимлари, ҳарбий хизматчилар, «Шавкатли меҳнат учун», «Ҳарбий шавкат учун» Юбилей медаллари билан мукофотландилар.

Пропагандистлар корхона, колхоз, совхоз, район, шаҳар, область, республика ҳаётидан аниқ мисоллар келтириб ўтишлари зарур.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ — ЛЕНИН ПАРТИЯСИ

Коммунистик қурилиш даврида Ленин партиясининг совет жамиятининг раҳбар кучи сифатидаги роли тобора ортиб боради. Ленин партияси — ишчилар синфи, бутун совет халқининг авангардидир. Эндиликда СССРнинг 18 ёшдан ошган ҳар ўнбир гражданидан бири КПСС аъзосидир. КПССнинг 14 миллион аъзосидан ярмидан кўпроғи ишчи ва колхозчилар ҳисобланади. Ўзбекистон коммунистларининг сони, 1969 йил 1 январигача бўлган маълумотга қараганда, 392 минг 749 кишига етган.

Партиямизнинг кучи марксизм-ленинизм принципларига, пролетар интернационализмига содиқлиқда, партиямизнинг бир бутунлигида, барча меҳнаткашлар билан, ишчилар синфи билан мустаҳкам алоқасидадир.

Партия бизга омманинг онгини ўстириш ҳамиша бўлганидек бу гал ҳам бутун ишимизнинг негизи ва асосий мазмуни бўлиб қолади», деб ўргатмоқда. Партия барча коммунистларнинг марксизм-ленинизм дунёқарашини онгли равишда ўзлаштириши, уларнинг ғоявий чиниққанлигини коммунизм қурилишидаги амалий иштирокда ўз ифодасини топишига эришмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда омма ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришнинг аҳамияти айниқса каттадир, негаки, социализм ва капитализм ўртасида кескин муросасиз ғоявий кураш олиб борилмоқда.

Бу темани якунлаб, шуни эслатиб ўтиш керакки, В. И. Ленин партиямизга жуда юксак баҳо берган эди. У Коммунистик партия — давримизнинг ақли, шараф ва виждони деган эди. Совет давлатининг ташқи ва ички сиёсати шуни яққол кўрсатиб турибдики, партиямиз ўзининг бунёдкори, доҳийси ва устози В. И. Ленининг ана шу юксак баҳосига муносиб иш олиб бормоқда.

III ТЕМА

ЛЕНИНИЗМ ВА ЖАҲОН РЕВОЛЮЦИОН ПРОЦЕССИ

тема план

1. **Жаҳон социалистик системаси — инсоният ижтимоий тараққиётининг авангарди.**

2. **Ленинизм — халқлар озодлиги учун курашнинг зафарли байроғи.**

ЖАҲОН СОЦИАЛИСТИК СИСТЕМАСИ — ИНСОНИЯТ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АВАНГАРДИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги тарих шуни кўрсатиб турибдики, коммунизмга ўтиш бутун инсониятнинг тараққиёт йўлидир.

Жаҳон социализм системасининг пайдо бўлганлиги Улуғ Октябрдан кейин ишчилар синфи қўлга киритган улкан ғалабалардан бири бўлди. Социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, интернационал кучга айланди.

В. Н. Ленин васиятларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи, социализм мамлакатларининг халқлари янги жамият қуришлари учун барча чораларни кўрмоқда. Социализм мамлакатлари капитализмдан социализмга умумий қонуниятлар ва маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда ўтдилар.

Бу ерда социализмнинг ривожланишидаги хусусиятлар «энг асосий масала» тааллуқли бўла олмаслиги» тўғрисида эслатиб ўтиш зарур. Энг асосий масала шундан иборатки, социализмга ўтиладиган йўлнинг бир қатор асосий қонуниятлари бор. Масалан, у ёки бу шаклда социалистик революциянинг содир бўлиши, эксплуатациянинг давлат машинасини синдириб ташлаш, пролетариат диктатурасининг у ёки бу шакли ўрнатилиши, эксплуататорлар синфи тугатилиши, ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоийлаштирилиши, социалистик ҳамда шаҳар ва қишлоқлардаги бошқа ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши, маданий революция ва бошқалар ана шундай қонуниятлардир.

Жаҳон социализм системаси халқлар ва давлатлар ўртасидаги янги типидир. СССР жаҳон социалистик системасининг барча халқлари ўртасида дўстлик, ўзаро муносабат, ҳамкорлик ва жипслигини мустаҳкамлашдан иборат ленинча сиёсатни тўхтовсиз ва изчил ўтказиб келмоқда.

ЛЕНИНИЗМ — ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШНИНГ ЗАФАРЛИ БАЙРОҒИ

Мазкур масалани баён қилишни В. И. Ленин империализмнинг капитализмнинг сўнгги босқичи, социалистик революциянинг арафаси сифатида тарихий ўрнини аниқ белгилаб берганлигидан бошлаш лозим. Ҳозирги замон капиталистик жамиятининг бутун ташқи ва ички сиёсати Ленининг ана шу баҳосининг ғоят тўғрилигини тўла тасдиқлаб турибди.

1969 йили Москвада бўлиб ўтган жаҳон коммунистик ва ишчи партияларининг кенгаши империализмга қарши кураш программасини ишлаб чиқди. Бу курашга бутун капиталистик дунёнинг мазлум халқлари қўшилдилар. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: 1968 йилнинг ёзида Францияда миллионлаб меҳнаткашларнинг кучли забастовкаси, 1969 йил ноябрида Италияда 20 миллион ишчининг умумий стачкаси, миллионлаб япон ишчиларининг ҳар йилги юришлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

В. И. Ленин 1921 йили Коминтернинг III Конгрессида сўзлаган нутқида: «Ер шаридаги кўпчилик аҳолининг дастлаб миллий озодликни кўзлаган ҳаракати жаҳон революциясининг келажак қатъий жангларида капитализм ва империализмга қарши қаратилиши ва, балки, биз кутгандан кўра анча каттароқ революцион роль ўйнаши бутунлай равшан», — деб таъкидлаб ўтган эди.

Улуғ Ленининг бу башорати амалга ошди. Мустамлакачилик системасининг емирилаётганлиги ва империализмга кучли зарба бераётганлиги, миллий ва социал озодлик учун халқлар кураши тобора кучайиб бораётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ленининг орқада қолган мамлакатлар нокапиталистик тараққиёт йўлидан ривожланиши мумкинлиги ҳақидаги назарияси ҳаётда амалий жиҳатдан тўла тасдиқланмоқда.

Шундай қилиб империализм ҳалокатга маҳкум этилгандир. Халқларнинг озодлик учун кураши эса енгилмасдир. Партиямиз ва ҳукуматимиз Ленининг васиятларини муқаддас билиб ва амалга ошира бориб, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган халқларнинг озодлик ҳаракатида уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида халқаро коммунистик ҳаракатнинг роли бениҳоя ортиб кетди. Эндиликда бу ҳаракат халқаро майдонда таъсирчан сиёсий кучга айланди. Бироқ, халқаро коммунистик ҳаракатнинг ривожланиш йўлида ҳали бир қатор тўсиқлар ҳам учраб турибди. Кейинги йилларда маълум қийинчиликлар пайдо бўлди, бу қийинчиликлар бир қатор бўғинларда бирликнинг бузилишига сабаб бўлди, ўнг ва «сўл» оппортунистлар, шунингдек, ленинизмнинг бошқа душманлари курашини кескинлаштириб юборди. Шу сабабдан оппортунизмнинг ҳамма кўринишларига нисбатан зарба бериш ҳозир ҳам марксчи-ленинчи партиялар учун қонун бўлиб қолди. Бу ерда Ленининг «...империализмга қарши кураш оппортунизмга қарши кураш билан боғланмаса бу кураш пуч ва қалбаки қуруқ гапдир». — деган сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир.

XX аср тарихининг хусусияти шундан иборатки, инсониятнинг учдан бир қисмидан ортиқроги империализм жабр-зулмидан озод бўлди. Эндиликда социализм мамлакатларида социалистик қурилиш ниҳоясига етмоқда, СССРда эса коммунизм қурилиши амалга оширилмоқда. Дунёдаги икки системанинг ўртасидаги курашнинг пировард натижаси — жаҳон миқёсида коммунизмнинг ғалабаси тобора аниқ кўринмоқда.

Мазкур темани якунлаб қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини бутун совет халқи, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, дунёдаги прогрессив инсоният ўз кучларининг жанговар кўриги сифатида нишонладилар, ҳамда келгусида қиладиган ишлари режаларини белгилаб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг тантанали мажлисдаги доклади ҳамда чет эллик меҳмонларнинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини байрам қилиш катта тарихий ва халқаро аҳамиятга эга бўлди. В. И. Ленин номи — улуғ мутафаккир ва революционернинг номи жаҳон революцион ҳаракати солномасига, бутун жаҳон, тарихига абадий ном бўлиб кирди. Ленин номи билан, Ленин партияси раҳбарлиги остида мамлакатимизда социализм қурилди, Ленин номи билан совет халқи муваффақиятли равишда коммунизм қурмоқда.

АДАБИЁТ:

«Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига» КПСС Марказий Комитетининг Тезислари.

Л. И. Брежнев. Экономикани янада ривожлантириш — бутун партия, бутун халқ иши. («Правда», 1970 йил 14 апрель).


Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб 1970 йил 21—22 апрелдаги тантанали қўшма мажлисда қилган доклади ҳамда мажлиснинг бошқа материаллари.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвадаги халқаро Кенгаши материаллари (1969 йил).



«Отделстрой» трести 30-қурилиш бошқармасининг пешқадам пардозловчиси Зулфия Ниёзова ўз зиммасидаги топшириқларни доимо аъло сифатли адо этмоқда. Шу кунларда бу моҳир бинокор пойтахтимизнинг Энгельс кўчасидаги «Юлдуз» фирмаси корпусини қўлдан чиқаришда фаол қатнашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.



В. И. Ленин номли проспект пойтахтимиз марказининг жамолини беқиёс очиб юборди. Бу проспект янги Тошкентнинг кўрки ва фахридир. Ана шу проспектда бунёд этилган Ленин номидаги хиёбонда бўлган кишининг айниқса баҳри-дили очилади. Бу ерда РСФСР, Япония, Франциядан келтирилган дарахт кўчатлари ўтқазилган. Хиёбондаги кўркам биноларни бунёд этишда 11-«Висотстрой» ва «Отделстрой» трестларининг меҳнатсевар бинокорлари зўр ҳиммат ва ташаббус кўрсатиб ишлашди. Бу суратда ҳаваскор рассом Е. Одилов янги хиёбон манзарасини акс эттирган.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Ангрен шаҳри кундан-кунга ободонлашиб бормоқда. Шаҳар энига ҳам, бўйига ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ерда асосан «Ўзбекшахтострой» трестининг 3- қурилиш бошқармаси меҳнатсеварлари ишлашади.

Трестнинг Митхад Халимов, Лиля Айхелн, Абдужалил Куртасановлар бошлиқ қурувчилар бригадаларн янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Улар аҳоли учун кўпгина турар-жой бинолари, болалар боғчаси, мактаб, магазин, маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйларини фойдаланишга топширдилар. Трестда биринчилардан бўлиб коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олишга сазовор бўлган Абдужалил Куртасанов бошлиқ ғишт терувчилар бригадаси яқиндагина 100 квартирали турар-жой биносини муддатидан олдин қуриб битказдилар.

Ҳозир азамат коллектив 5-«А» кварталида турар-жой бинои қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Илғор ғишт терувчилардан Исмоил Эсонбоев, Талъат Орифжонов, Решет Менаджиев, Усейн Носиров каби ўртоқлар кунлик нормаларини 140—150 процентдан бажармоқдалар.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги муносабати билан бригаданинг уч бунёдкори «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан тақдирланди.

Ў. ЖЎРАЕВ.



АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ

Шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда СССР Олий Советига бўлажак сайловга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Сайлов участкалари, агитпунктларда иш қизғин.

Киров районидаги 22-агитпункт тиш даволаш политехникаси биносига жойлашган. Ичкарига киришингиз билан дилингиз хушнуд тортади. Хона шинам безатилган, радиоприёмник, телевизор ишлаб турибди. Ильич чироғи хонани кундузгидай ёритиб турибди.

Агитпунктга изгирғий сайловларда тажриба орттирган ишчан, ёш агитаторлар жалб этилган. Улар сайловчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориб, турли темаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказишяпти. Бу ерда газеталарнинг янги сонлари, ҳилма-ҳил журналлар, сайловга оид адабиётлар... ҳаммаси бор.

Агитаторлардан айниқса поликлиника ҳамшираси Шукриниса Юсупова тенгқурларига ўрнак кўрсатаяпти. Ҳар куни ишдан сўнг у ўзига ажратилган участкаларда сайловчилар орасида бўлади, уларни қизиқтирган саволларга аниқ ва пухта жавоб беради.

Суратда Шўкриниса Юсупованн агитпунктда сайловчилар билан мазмунли суҳбат қуриб турган пайтини кўриб турибсиз.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.



ОБОД ВА КЎРКАМ

Сайловдан-сайловгача

Янги барпо этилган Улуғбек посёлкаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Бу посёлка Оржоникидзе районида, «Қибрай автостанцияси»дан сал юқорироқда жойлашган.

Катта асфальт йўлдан борар экансиз, икки томони кетакетгунча олмазор, олча ва шафтолизор билан қопланган ям-яшил водий қалбингизда ажиб ҳис уйғотади. Йўл бўйлаб бетиним оқиб турган катта анҳор шабадаси танга ҳузур бағишлайди.

Ям-яшил қалин дарахтлар орасида эса шинам ва кўркам коттежлар. Кўпқаватли турар-жой, мактаб, боғча ва ясли бинолари, ҳунарманд ишчи-ёшлар клуби, кинотеатр, «Роҳат» ресторани, гастроном, магазинлар, дам олиб ҳордиқ чиқарадиган хиёбонлар... Мана шуларнинг ҳаммаси янги икки-уч йил орасида қўли гул кишилар томонидан бунёд этилди.

Илгарилари — чамаси ўн йил бурун, бу ерлар туяўркач, нотекис, пасти-баландликлардан, қўй-қўзилар ўтлаб юрган қирли ерлардан иборат эди. На бир туп дарахт, на бир уйча бор эди.

1957 йилдан бошлаб бу жойнинг қиёфаси қайта ўзгара бошлади. Қудратли техника ёрдами, инсон ақл-заковати ва ҳалол меҳнати билан пасти-баландликлар текисланди. Обҳаёт оқадиган лиғи ариқлар қазилди. Ободонлаштириш, қурилиш, дарахтлар ўтказиш, боғ-роғлар барпо қилиш ишлари қизғин бошланиб кетди.

Орадан кўп ўтмай бу ерда ядро физика институти қурилиб, ишга туширилди. Шу институт ёнида 250 ўринли шифохона фойдаланишга топширилди. «Улуғбек» кинотеатри томошабинларни мамнун этди. Музика мактаби, ҳашаматли клуб ёшларга совға этилди.

Ҳозир посёлкадаги барча хонадонлар, корхоналар табиий газ ва иссиқ сув билан таъминланган. Кенг, ёруғ данғиллама мактабларда 1500 га яқин ўғил-қиз билим чашмаларидан баҳраманд бўляпти. 600 дан ортиқ эркатойлар ясли ва боғчаларда тарбия топяпти.

Мактабларда, ясли ва боғчалар атрофида анвойи гуллар гуркираб атр бўйларини уфурмоқда. Спорт майдончалари, институт, шифохона атрофидаги осмонўпар қалин дарахтлар, боғлар ўз бағрига чорлайди. Кўчаларни ёритиб турган Ильич чироқлари, асфальтланган кенг ва текис кўчалар сайлга чорлайди.

Посёлка территория жиҳатидан йил сайин кенгайиб, аҳолиси ҳам кўпайиб бормоқда. Посёлка майдони 100 минг квадрат метрга етди, 16 миллатдан иборат уч мингдан ортиқ аҳолиси бор. Бу ерда 70дан ортиқ фан доктори ва кандидатлари, 60 дан ортиқ малакали ўқитувчи, 20 га яқин шифокор-врач, 150 дан ортиқ турли касб мутахассислари истиқомат қилишади.

Ҳозир ҳам посёлкада қурилиш ишлари жадал боряпти. Посёлка Совети яқиндаги 84 квартирали, иккита 16 квартирали турар-жой бинолари яқинда ўз муддатидан илгари эгаларига топширилди. Ҳовли тўйлари ўтказилди. Эндиликда 44 квартирали турар-жой, болалар комбинати ва бир неча каттежлар қурилмоқда.

Шундай. Навқирон Улуғбек посёлкаси кундан-кунга обод ва файзли бўлиб бормоқда. Гўзал шаҳар тусига кирмоқда.

М.БАҚОЕВ.

БУНЁДКОРЛАР

Ўзбекистон трактор-йиғув заводи ишчи-хизматчилари деҳқонларимиз оғирини енгил қилишга баракали ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, корхонанинг учинчи цехи коллективининг иши мақтовга сазовордир.

Бу цехда турли хилдаги машиналарнинг эҳтиёт қисмлари ремонт қилинади. Ишчилардан А. Соатов, В. Скворцов каби ўртоқлар кунлик топшириқларини доимо 160—170 процентдан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

М. АСАТОВА.

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Республикамизнинг навқирон шаҳарларидан бири бўлган Олмалиқ шаҳри кундан-кунга гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Шаҳарда оғир ва енгил саноат корхоналари бинолари билан бир қаторда кўплаб маданий-маиший ва турар-жой бинолари қад кўтараяпти.

Олмалиқнинг ҳар қадамида улкан қурилиш объектларига дуч келасиз. «Алмалиқсаноатқурилиш»нинг 3-қурилиш бошқармаси колективи яқинда «Новость» маиший хизмат кўрсатиш комбинатини фойдаланишга топширди. Горький кўчасида катта саноат моллари магазини ишга тушди.

1-қурилиш бошқармаси коллективи эса 216 оила учун мўлжалланган учта 4 қаватли бинони қуриб битказди. Уни ҳукумат комиссияси «яхши» баҳо билан қабул қилиб олди.

Навқирон шаҳарни янада чирой очиб боришида ғишт терувчи Омон ака Аҳмедов, бўёқчи Муҳаббат Мусаева каби юзлаб бинокорлар хизмати каттадир. Уларни «шаҳримиз бунёдкорлари», деб бежиз айтишмайди.

Б. ОТАҚУЛОВ.

САБЗАВОТКОРЛАР ДАЛАСИДА



Эрталабдан бери совхоз директори Ҳолмат Қорахўжаев билан дала айланиб юрибмиз. Ҳаво очиқ. Баҳор шабадаси қир-адирлар бағридаги кўкатлар, гуллар нафасини олиб келади.

Йўлнинг чап томони— олхўризор. Ўнг томонида эса полиэтилен пленкалари ер бағрилаб чўзилиб кетган.

— Тиллавойнинг бригадасига,— деди Ҳолмат ака шоферга.

Машина ўнгга бурилди.

Тиллавой Рихситиллаев бошчилик қилаётган бригадада дала ишлари қатъий график асосида олиб борилади. Сабзавоткорлар пленка тагида икки ярим гектар ерда бодринг, бир ярим гектар ерда эртаги помидор, пиёз, редиска ва бошқа ноз-неъматлар етиштиришяпти.

— Экинларнинг аҳволи қалай? —деб сўради Холмат ака бригада бошлигидан.

— Яхши. Карам кўчатларининг олди ҳосил ўрай бошлади. Ўтитдан кейин яна сув берамиз. Кейин карам уза бошлаймиз.

Улар эгат оралаб олдинга юришди. Майдоннинг нариги томонида икки киши кўчатларга ишлов бермоқда эди. Кўчатларни чопиқ қилаётган Аҳмад ота Сирожов кетмонни ерга қўйиб-да, совхоз директори билан бригада бошлиғига чопиқдан чиққан бодринг кўчатларини кўрсата бошлади. Эгат устини қотлаган ям-яшил ниҳолларнинг ҳар бирида икки-учтадан ҳосил гули кўзга ташланарди. Экининг шу кундаги ривожи, бу йил олинадиган ҳосил мўлжалгадан ошса-ошадики, кам бўлмаслигини кўрсатиб турибди.

Тиллавой Рихситиллаев бошчилик қилаётган бригада совхозда илғорлардан ҳисобланади. Бу коллектив деҳқончилик учун жуда ноқулай келган ўтган йилда ҳам сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирди. Аъзоларнинг бу йилги ниятлари картошканинг ҳар гектаридан 11—12 тоннадан, бодрингдан 13 тоннадан, помидор, карам ва бошқа экинлардан ҳам мўл ва арзон маҳсулот етиштиришдир.

Бригадада дала ишлари намунали ташкил этилган. Эртаги экинларнинг олди ҳосилга кирди. Бодринг ва бошқа сабзавот экинларидан ҳам тез орада ҳосил йиғиб олинади. Шунинг учун ҳам бригада бошлиғи шу улуғ йилда сабзавот экинларидан олинадиган ҳосилдорликни гектар бошига 8—10 центнерга оширамиз, демоқда.

Қир бағирлаб кетаётган машина юқорига чиқиб тўхтади. Қирнинг икки томони ҳам ям-яшил боғ. Ҳосилга кирган олма, шафтоли, олхўри, олча кўчатларининг ҳосила кўзни қамаштиради.

— Бу боғлар,— дейди Холмат ака,— совхозимизнинг Шокир Юсупов, Саттор Усмонов, Баҳром Каримов бошчилик қилаётган бригадаларига қарашли. Бундан тўрт-беш йил илгари бу ер қип-қизил чўл эди. Ҳозир совхозимизга қарашли боғлар 200 гектарга етди. Соҳибкорларимиз бу йил ҳосилга кирган 50 гектар майдондан 300 тоннадан ортиқ ҳар хил мевалар етиштириш мажбуриятини олганлар. Уста соҳибкорлардан Шомаҳмуд Азимов, Жўра Усмонов, Долхўжа Абдуазимов, Абдураҳмон Алимовлар боғдорчиликни ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Совхознинг миришкор сабзавоткорлари ва уста соҳибкорларининг юбилей йилидаги режа ва мақсадлари ҳар қачонгидан юксак. Сабзавоткорлар 340 гектар майдондан планда белгиланган 4100 тонна ўрнига 4200 тоннадан ортиқ юқори сифатли маҳсулот етиштириб, давлатга сотиш ниятидалар. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик эса 118 центнердан кам бўлмайди. Шунингдек 900 тонна картошка етиштирилади. Помидор, карам, пиёз ва бодрингдан олинадиган ҳосилдорлик ҳам шу йилнинг ўзида планда белгиланганидан анча кўп.

Далаларда ҳосил учун кураш қизиб бормоқда. Эртаги помидор, карам, пиёз ва бодринг кўчатларига ишлов бериш кундан-кун қизғин тус оляпти.

Сабзавоткорлар йил сайин ишлаб чиқаришда прогрессив йўлларни тутмоқдалар. Ўтган йили беш гектар майдонда плёнкалар тагида бодринг етиштирилган эди. Бу йил эса 11 гектарга етди. Плёнка тагига эса помидори ва бодрингдан ташқари картошка ҳам етиштириляпти. Ана шу эртаги сабзавотлардан келаётган даромад орқасида ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб бормоқда. Маҳсулот сифатидан ҳам деҳқонлар катта манфаатдор бўлишмоқда. Ўтган йилнинг ўзида шу ҳисобдан совхоз 33 минг сўм соф даромад олди.

Ички резервлар эндиликда ҳосилдорликни оширишнинг энг асосий гарови бўлиб қолди. Совхоз деҳқонлари буни яхши билишади. Шу йилнинг ўзида ана шу ерлар ҳисобига меҳнаткашларга 250 тоннадан ортиқ сабзавот етказиб берилади.

Н. ТЎРАЕВ.

Калинин райони. 2-«Назарбек» совхози.

Суратда: совхознинг тажрибали сабзавоткори Аҳмад ота Спрожов. Автор фотоси.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ XXIV СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

ВАРШАВА, 12 май. (ТАСС). Бугун Варшавада ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари иштирокида ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг XXIV сессияси очилди.

Сессияни Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич очди. У сессия қатнашчиларига социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида самарали ишлар қилишларини тилади. Сессияда Ю. Циранкевич доклад қилди.

СОВЕТ ҚЕМАЛАРИНИНГ ВИЗИТИ

Атлантика океанида ҳарбий-денгиз машқлари ўтказган совет ҳарбий кемаларининг бир отряди шахсий составини бир мунча дам олдирмоқ, сув ва ёқилғи ғамлаб олмоқ ва механизмларни кичик ремонт қилиб олмоқ учун эртага яхши ният визити билан Сьенфуэгос портига (Куба) келади. Сув ости кемаларига қарши қурашувчи кемалар, сув ости кемалари ва кўмакчи кемалардан иборат бу отрядга контр-адмирал Я. М. Куделькин қўмондонлик қилмоқда. (ТАСС).

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

ПАРИЖ, 12 май. ТАСС мухбири О. КАРАСЕВ хабар беради

Кеча инсон ҳуқуқи учун курашувчи халқаро федерация ташаббуси билан Париждаги «Мютюалите» залида ўтказилган митинг қатнашчилари грек сиёсий маҳбуслари билан бирдам экаинликларини айтдилар. Митингда француз ва чет эл ташкилотларининг намояндалари сўзга чиқдилар.

Афина ҳарбий хунтаси асосий эркинликларни поймол қилди, деб таъкидлади ўз нутқида Франция Компартияси Бош секретарининг ўринбосари Жорж Марше, янги кишилар қамоққа олинаётганлигини, янгидан суд мажлислари бошланаётганлигини, янги-янги кишилар қийноққа солинаётганлигини матбуот кун сайин хабар қилиб турибди, деди у. Таниқли жамоат арбоблари, демократлар таҳлика остида қолдилар.

НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар полковниклар режимига сиёсий ва иқтисодий ёрдам бериб турмаганида, бу режим шу қадар узоқ кун кўра олмаган бўлур эди, деди Ж. Марше. Греция, деди у, ҳозирги вақтда АҚШнинг Ўрта денгиздаги энг ишончли базаларидан бири бўлиб қолди. Унинг портлари АҚШ 6-флоти кемаларини мутасил қабул қилиб олмоқда.

Франция Компартияси Бош секретарининг ўринбосари грек сиёсий маҳбуслари билан халқаро бирдамликнинг аҳамиятини, бу бирдамлик ўзининг самарали эканлигини кўрсатганлигини таъкидлаб ўтди. Греция ҳукумат маъмурларн жаҳон афкор оммасининг тазйиқи билан 332 сиёсий маҳбусни қамоқдан чиқаришга мажбур бўлди.

Митингда грек сиёсий маҳбуслари билан бирдамлик резолюцияси қабул қилинди.

АГРЕССИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЙРУТ, 12 май. (ТАСС). Бугун Ливан территориясига бостириб кирган Исроил қуролли кучлари агрессияни давом эттирмоқда. Босқинчиларнинг танк бўлинмалари мамлакатнинг шарқи-жанубий қисмида Ливан территориясининг ичкарисига бир неча километр бостириб кирди.

Ливан ҳарбий қўмондонлигининг вакили айтдики, Ливан қўшинлари Маржаюн шаҳрининг шарқидаги Храйбе мавзелоҳи ёнида Исроил қўшинларининг силжишини тўхтатиб қўйганлар. Душманнинг 5 танки ва 7 бронемашинаси мажақлаб ташланган. Душман аскарлардан ҳам талафот берган.

Жанг давом этмоқда. Исроил авиацияси бостириб кирилган райондаги аҳоли яшайдиган жойларни бомбардимон қилишни кучайтирмоқда.

Ливан министрлар кенгашининг фавқулодда мажлиси давом этмоқда. Президент Хелу ва бош министр Караме тўрт буюк давлат элчиларини шошилинч равишда қабул қилиб, уларни Исроил агрессияси тўғрисида хабардор қилдилар.

Парламент раиси Сабрий Хамаде НИА агентлиги мухбирига берган баёнотида Исроилнинг хиёнаткорона агрессиясини даф этмоқ учун ливан халқини бир ёқадан бош чиқаришга чақирди.

НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

БЕРЛИН, 12 май. (ТАСС). АҚШнинг бетараф Камбоджадаги агрессияси муносабати билан Германия Демократик Республикасида бошланган норозилик ҳаракати давом этмоқда. Лейпцигдаги олий инженерлик мактабининг профессорлари, доцентлари ва студентлари митингда резолюция қабул қилдилар. Резолюцияда АҚШнинг Камбоджадаги уруш ҳаракатларининг жиноий характери таъкидланади. АҚШ империализми, дейилади резолюцияда, ўзининг ҳаддан ташқари сурбетлиги билан гитлерчи фашистлардан қолишмаётир.



АМЕРИКА агрессорларининг тинч ва осойишта ҳаёт кечираётган бетараф мамлакатларда қилаётган жиноятлари беҳисобдир. Америка солдати босиб ўтган ерлар вайронага айланмоқда, экинзорлар жизғанак бўлиб ёнмоқда, турар-жой бинолари шикастланмоқда. Бу ҳудбин солдатлар неча минглаб беҳисоб гўдакларни, кексаларни ўлдириб, еру-кўкка ажал уруғини сочмоқдалар.

Суратда: америкалик босқинчилар Жанубий Вьетнам ерида. Сиз кўриб турган бу риёкор жиноятчи солдатнинг елкасидаги радио карнайдан: «Тинтув қилиш, йўқ қилиш» деган ваҳимадор сўзлар ҳамма ерда баланд эшитилиб туради. У дуч келган кишини суриштириб ўтирмай отиб ўлдиради. Америка ҳукуматининг буйруғи ана шундай.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари она ер тупроғига бостириб кираётган бу каллакесарларнинг роса адабини бермоқдалар. Улар шиддатли жанглар қилиб босқинчиларни шаҳар ва қишлоқлардан қувиб чиқаришмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИСТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

ХАНОЙ, 12 май. (ТАСС). Америка авиацияси шу йил 1 майдан 5 майгача бўлган давр ичида Вьетнам Демократик Республикасининг жанубий вилоятларини бомбардимон қилиб, ўққа тутганлиги натижасида 93 киши ўлди ва жароҳатланди.

Вьетнамдаги Америка жиноятларини текширувчи комиссия кеча Ханойда ўтказган матбуот конференциясида шу маълумотлар айтиб берилди.

Комиссия раиси Фам Ван Бать баёнот бериб, Америка империалистларининг Вьетнам халқига қарши қилаётган жинояткорона ҳаракатлари систематик ҳарактерга эга эканлигини таъкидлади ва АҚШ урушни бутун Ҳинди-Хитойга ёйганлигини кўрсатиб ўтди.

Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: Америка авиацияси 1969 йил 20 январдан 1970 йил 30 апрелга қадар Вьетнам Демократик Республикаси осмонига разведка мақсадида 17.360 марта самолёт учирди. Шу вақт ичида Вьетнам Демократик Республикасининг 17 —параллел билан 20—параллел оралиғидаги районларини Америка авиацияси 937 марта бомбардимон қилди ва ўққа тутди. Шу вақтда самолётлардан мингтадан ортиқ фугас бомба ва зўлдир бомбалар жойланган 520 та контейнер ташланди. Бундан ташқари, «В-52» бомбардимончи самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг жанубий районларига 12 минг тоннадан ортиқ бомба ташлади. Америка артиллерияси шу районларга 7 минг марта ўт очди.

Комиссия жаҳон прогрессив афкор оммасига мурожаат қилиб, Қўшма Штатлардан Жанубий Вьетнам, Лаос ва Камбоджадаги агрессив урушни тўхтатишни, Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигини ҳурмат қилишни талаб этишга чақирди.

АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Бинокорлар фойдаланишга топширган «Химчистка» фабрикаси аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Олмалиқда биринчи ҳисобланган бу замонавий корхона пневмоэлектрик ускуналар билан тўла қуролланган. Цехларнинг бирига ўрнатилган «Украинка» машинаси 40 минут ичида 30 килограмм пальто ва костюмни тозалаб бера олади. Бундан сўнг кийим-бошларни дазмоллаш жараёни бошланади. Бу операцияни ҳам автоматик машиналар бажаряпти.

Алоҳида цехда эркаклар кўйлаги эгдлик билан тозалаб берилляпти. Кўйлак топширган киши 25 минутдан сўнг ўз буюмини тозаланган ва дазмолланган ҳолда қабул қилиб олади. Цех ҳар сменада 150 килограммгача молни тозалаб бериш қувватига эга.

Аҳолига яна ҳам қулай бўлсин деб шаҳарнинг бир қатор кўчалари ва Оҳангаронда фабриканинг қабул пунктлари очилди. Олмалиқ ва Оҳангарон меҳнаткашлари фабрика аҳли ишидан мамнундирлар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КОЛХОЗ БОЗОРЛАРИ ПРОБЛЕМАЛАРИ»

Газетамизнинг шу йил 21 март сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада меҳнаткашларни йил бўйи давлат нархида сабзавот, мева ва резаворлар билан таъминлаб туриш соҳасида жиддий камчиликлар борлиги ва уларни бартараф этиш учун баъзи проблемаларни ҳал қилиш зарурлиги кўрсатилган эди.

Шунингдек «Ташзаготплодоовощторг» павильонлари сабзавот ва меваларни сақлашга мослаштирилмагани натижасида сабзавот ва турли ноэзи-неъматларнинг сифати бузилиши каби ҳоллар юз бераётганлиги танқид қилиниб, бу маҳсулотларни колхоз ва совхоз далаларидан бевосита магазинларга олиб келиш масаласи ҳақида фикр юритилган эди.

Мазкур мақола шаҳар бозорлари директорлари, бозорлар бошқармасининг раҳбар ходимлари, «Райпищеторг» директорлари йиғилишида муҳокама қилинган ва мақолада келтирилган танқидий фикр ва мулоҳазалар, кўтарилган масалалар тўғри, деб топилган.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармаси ушбу мақола юзасидан зарур тадбирлар белгилади.

СЕНИНГ ШАРАФИНГ

«Ватан, деб жанглардан шон билан ўтди,
Жон олиб, жон берди совет солдати.
Ватан деганда у ёнмади ўтда,
Ерда йиқилмади, сувда ботмади!»...
Шу ерда бўлинди нотиқнинг сўзи,
Гулдурос қарсаклар янгради шу чоқ.
Ларзага келгандек бутун ер юзи.
Қарсаклар зарбидан ойналар титроқ...
Кафтлардан ўт чақнаб ёғилар қарсак,
Миллион пафар қўллар зарби шиддаткор,
Самони ҳам узиб ерга ургудак,

Оддий гулдурсмас, гулдуракча бор...
Шунда, ногоҳ кўрдим кутилмаган ҳол,
Ёнимда бир одам ўтирар оғир,
Чапак ҳам чалмайди, юзида ҳаёл,
Кўксида орденлар тараташ нур.
О, у мажруҳ экан! О, бир қўли йўқ,
Чапак чалолмасди, сақларди сукут.
Шу андиша билан юзи лахча чўғ.
Чеҳрасида малол, гарчи дил хушнуд.
Азиз ватандошим! Қилгил ифтихор!
Қарсак, гулдуросга сенсан бош омил!

Сенинг шарафингга қарсаклар янграр,
Элинг қарсагини ўз қарсагинг бил!
Миллион нафар қўллар қолсин деб омон,
Боғ-боғ кўкартсин деб, бино қурсин деб,
Тўйларда чапакни боплаб урсин деб,
Қарсак, гулдуросга тўлсин деб осмон,—
Жангда аямадинг жонингни ҳам сен,
Фидо этдинг жонинг-таннингни ҳам сен,
Шу—чун меҳринг яшар юрагимизда,
Ва қарсагинг янграр қарсагимизда!

Юсуф ШОМАНСУР.

Спорт

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Югославияда баскетбол бўйича VI жаҳон чемпионати мусобақалари бошланди. СССР терма командаси ўзининг биринчи ўйинини Жанубий Америка чемпиони Уругвай билан ўтказди ва 71:53 ҳисобида ғалаба қозонди. Бошқа группада беллашган Италия—Бразилия матчи Жанубий америкаликлар фойдасига 94:93 ҳисобида тўгади. Совет командаси финалга чиқиш олдидан Панама баскетболчилари билан куч синашади. Панамаликлар биринчи ўйинда Бирлашган Араб Республикаси спортчиларини 107:77 ҳисобида енган эдилар. Жаҳон чемпионати финал ўйинлари 16—24 майда Любляна шаҳрида бўлади.

●

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Москва автозаводчилари биринчи бўлиб СССР Кубогининг 1/8 финалига чиқдилар. Улар Харьковнинг «Металлист» командаси билан бўлган қайта учрашувда 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Нимчорак финалининг қолган қатнашчилари кеча ўтказилган Кубок ўйинларида аниқланди.

* * *

Европа чемпионлари—Италия терма командаси футболчилари Лиссабонда Португалия терма командаси билан ўртоқлик учрашувн ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Ғолиблардан икки тўпни ҳам Рива киритди.

* * *

«Б» класси Ўрта Осиё зонаси командалари турнирида Самарқанд спартакчилари биринчи мағлубиятга учрадилар. Қўрғонтепа пахтакорчилари пешқадамни 1:0 ҳисобида енгди. Қолган учрашувлар қуйидагича тугади: «Кимиқ»—«Ирригатор»—1:0, «Оққўрғон»—Нариманов номли колхоз—3:3, «Янгиер»—«Автомобилчи»—2:0, «Зарафшон»—«Энергетик»—3:0, «Строитель»—«Пахтачи»—1:0, «Олой»—«Чуст»—1:0, «Оқ олтин»—«Спартак» [Андижон]—4:0.

●

ТОШКЕНТ ЧЕМПИОНЛАРИ

Классик кураш бўйича Тошкент шахсий биринчилиги мусобақаларида 70 полвон иштирок этди. Кескин курашлардан сўнг А. Багдасаров, Р. Байрамов, А. Орлов, А. Пастухов, Э. Юсупов, Н. Брюков, А. Собиров, Е. Зеленин ва А. Мясников ўз вазн тоифаларн бўйича чемпион бўлишди.

КЎРИК ЯКУНЛАНДИ

Ёш ишчиларнинг малакасини ошириш ва меҳнат қучоғига энди кириб келаётган йигит-қизларга ҳунарни пухта ўргатиш шу кунининг муҳим вазифаларидан биридир. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тинмай юксалиб бораётганлиги ва ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжнинг йилдан-йилга ошаётганлиги буни тақозо этмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, ёш ишчиларни бевосита ишлаб чиқаришда тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор беряпмиз. Ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб бир йил мобайнида ўтказилган кўрикдан ҳам худди шу мақсад кўзланган эди. Бу жамоат кўригида 500 дан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходим иштирок этди.


Кўрик давомида кадрларнинг ишлаб чиқариш-техника ўқуви системасини янада такомиллаштиришга қаратилган 54 та таклиф тушди. Уларнинг кўпчилиги амалга оширилди. Бу техника ўқувининг моддий базасини мустаҳкамлашга, ишчиларга қўшимча касблар ўргатишни бирмунча яхшилашга олиб келди. 15 та металл қирқиш, 10 та пайвандлаш ва слесарлик асбоб-ускуналари касб ўрганувчилар ихтиёрига берилди. Техника ўқуви бюроси ҳузурида методик бурчак ташкил этилди.

Бу тадбирлар ёш ишчиларни тайёрлаш сифатини анча яхшилашга олиб келди. Ўтган йили пландаги 180 ўринга 192 янги ишчи тайёрланди, 270 ўринга 306 машинасоз ўз малакасини оширди. 1970 йилнинг 1-кварталида эса 63 янги ишчи касб ўрганди ва 100 дан ортиқ киши ўз малакасини оширди.

Иккинчи механика ва кенг истеъмол товарлари цехлари коллективлари кўрикда ижобий натижаларга эришдилар. Масалан, 2-механика цехида 36 янги ишчи тайёрланди, 35 киши юқори малака олди. Кенг истеъмол товарлари цехида эса ўнлаб янги ишчиларга касб ўргатилди, 80 га яқин киши малакасини оширди. Кўрикда ғолиб чиққан бу цехлар коллективлари корхонанинг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Актив иштирок этган кишиларга эса ташаккурномалар эълон қилинди ва пул мукофотлари берилди.

Кўрик тугаган бўлса ҳам ёш ишчиларнинг техник ва умумий таълим билимларини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар коллективимиз фаолиятн кун тартибидан тушмайди. Чунки У меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатининг яхшилашнинг муҳим омилларидан биридир.

О. ЛЕВАК,
«Узбекхиммаш» заводи техника ўқуви бюросининг бошлиги.



В. И. ЛЕНИН номли хиёбондаги чойхона ҳамиша чойхўрлар билан гавжум. Бу ерга меҳмонлар тез-тез келиб туришади. Чойхона коллективи уларни самимий ва илиқ кутиб олишади. Суратларда: (юқорида) бир пиёла чой устида. Пастдаги суратда чойхонанинг умумий кўриниши.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотолари.

ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ БАХТИ

**Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.**

Саломат опа севимли шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек ғойибдан келажак бахтни кутиб ўтирмай уни ўз қўли, ўз меҳнати билан яратганлардан бири. Ўттизинчи йилларнинг оғир қийинчиликларида нурга интилган, танлаб олган йўлидан қайтмаган Саломат опа бугунги бахтига дадил қадам қўяётганини биларди...

Биринчи ўзбек педиатр профессори Саломат Йўлдошева. Бу ном бутунги кунда серқуёш республикамизда, бепоён мамлакатимиздагина эмас, балки бир қатор чет элларда ҳам маълум ва машҳур

...Саломат опа лекцияни тугатиб студентлар билан ташқарига чиқди. Бўлажак шифокорлар устозларини ҳамон тинч қўйишмай, саволга тутишади. Тўладан келган истараси иссиқ, Саломат опа шогирдлари билан ҳайрлашиб, яна кафедрага кириди.

Унга бир неча хат ва бандероль тутқазишди. Ҳар куни турли шаҳарлардан хат-хабарлар олиб ўрганиб қолган опа, хатларни стол устига қўйди-да, бандеролга кўз югуртирди. Унинг устига инглиз тилида: «Тошкент, ТошМИ, педиатрия кафедраси, профессор С. Н. Йўлдошевага» деб ёзилган.тагида эса совға юборилган адрес ёзилганди.

Саломат опа бундай бандеролларни кўп олган, лекин бу сафар тагидаги адресни ўқиди-ю, бироз ўйланиб қолди. «Эҳтимол, менга эмасдир. Швейцарияда танишим йўқ эди-ку», таажжубланди у. Опа юқоридаги адресга яна бир бор кўз югуртирди-да, совғани очди. Унинг ичидан нотаниш ҳамкасблардан саломнома ва инглиз тилида бир неча брошюра ҳамда қўлланмалар чиқи.

Швейцариялик врачлар тошкентлик олиманинг довруғини эшитишиб, у билан ижодий ҳамкорлик қилиш ниятида ушбу мактуб ва совғани йўллашган экан. Саломат опа шошилиб турганлиги учун жавоб хатини оқшом ёзишга қарор қилди-да, шаҳар болалар касалхонаси томон йўл олди. Уни врачлар, кичкинтой беморлар кутишарди.

Клиника ординатори Муаззам Мирахмедова Саломат опани халатини кийиб олишга ҳам қўймай палатага бошлади. 14—15 ёшлар чамасидаги бола кўзини очмай ётарди. Муаззам қисқа, аниқ қилиб. Алишер Шермухамедовнинг касаллик варақаси ҳақида маълумот берди. Саломат опа бола юрагининг уришини эшитиб кўрди, қон анализини суриштирди, новокаин-амиддан укол қилишни буюрди-да, Алишер ўзига келганда дарҳол электрокардиаграммасини олишни маслаҳат берди. Палаталардаги бошқа беморларни кўриб бўлгач, шогирдлари билан учрашди, уларнинг ишларини суриштирди, маслаҳатлар берди, уйига қайтиш олдидан яна Алишер ётган палатага кирди. Бола ўзига келган, тим қора кўзлари билан атрофга боқиб, ниманидир қидиргандек бўларди.

— Алишер нима ахтаряпсан, — сўради опа боланинг кайфиятини сезиб.

— Сув, сув беринг.

Опа беморнинг бошини сал кўтарди-да, сув ичириб, аста ётқизиб қўйди. Навбатчи врачга қандай дори-дармонлар беришни айтиб, уйга жўнади.

...Эртаси профессор опани шаҳар 6-болалар касалхонасидан топдик. Клубда бўлажак педиатрларга болалар юрагининг ҳаракати темасида лекция ўқиётган экан. Лекция тугагач, опа бир неча студентни олиб қолди-да, биргалашиб беморларни кўриб, шогирдларига ҳозиргина ўқиган лекциясини амалда кўрсатди.

Опани суҳбатга тутдик. Ўтмиши, ижодий ишлари, ҳам касблари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик. Ҳар бир гапи маънога тўла бу аёл бироз ўйланиб қолди-да, оҳиста сўз бошлади...

Унинг тинимсиз меҳнатлари, изланишлари, қобилияти, қолаберса жасорати ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган лавҳам ҳақида ўйлар эканман, чор девор ичидаги кечаги ўзбек аёли билан бугунги ҳур, озод, совет қизи бири-биридан тамомила фарқ этиб, гавдаланарди

Опа иққилобдан тўрт йил аввал тугилган экан. Нигирманчи йилларда Янгиҳаёт мактабида ўқиб юрганимда, — деб эслайди опа.—Рустам домламиз мени «санитарка» қилиб қўйдилар. Тозаликка жавобгарсан, деган эдилар. Менинг шифокор бўлишимга эҳтимол ўша воқеа сабаб бўлгандир.

Ёш Саломат «Янги ҳаёт» мактабини 1928 йилда тугатиб Охунбобоев номидаги медицина техникумига ўқишга киради. Кейин Ўзбекистон Марказий Комитети йўлланмаси билан Москвага бориб, 2-медицина институтида таълим олади.

Бўлажак олима меҳнат фаолиятини Қўйлиқ қишлоғида оддий врачликдан бошлади. Дастлаб Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими мудири, сўнг Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри ўринбосари бўлиб ишлади. Мана бир неча йилдирки, Тошкент медицина институти педиатрия кафедрасига бошчилик қилиб келяпти.

Саломат опани «болалар профессори» дейишади. Бу бежиз эмас. Олиманинг кандидатлик ва докторлик иш темаси ҳам болалар юрак, бод, ўпка касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари ҳақида бўлди. У 50 дан зиёд илмий иш автори сифатида танилди.

Саломат опа Йўлдошева талабчан раҳбар ҳамдир. Маҳсума Обидова, Майиддин Нуридинов, Марат Абдуллахўжаев, Ойниса Абдурахмонова, Дора Исҳоқова ва бошқа ўнлаб шифокорлар Саломат опани меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қиладилар. М. Обидова билан М. Нуридинов шу куйларда докторлик темаси устида иш олиб боришмоқда. Қолганлари кандидатлик унвонини бугун-эрта олиш арафасида.


Саломат опанинг шогирдлари фақат Тошкентдагина эмас, балки бошқа шаҳар ва областларда ҳам бор. Олима куни кеча узоқ Хоразмнинг Хазорасп районида бўлиб, медицина янгиликлари ҳақида лекция ўқиди, ҳамкасблари иши билан танишди. шогирди Ғофир Рўзматовга илмий ишини тезроқ ниҳоясига етказиш учун маслаҳатлар бериб қайтди.

Опанинг оиласини шифокорлар оиласи ҳам дейишади. Ўғли Эркин Йўлдошев ТошМИнинг санитария факультетида терапиядан дарс беради. Синглиси Ўлмас педиатрия институтида илмий ходим.

Биринчи ўзбек педиатр профессори Саломат Йўлдошева босиб ўтган мазмунли ва шарафли йўл, унинг бугунги обрў-эътибори ҳақида гапирар эканмиз, ўзбек қизининг Англия, Польша, Германия Демократик Республикаси ва бошқа чет эл мамлакатларида бўлиб, ижоди билан ҳамкасбларини қойил қолдирганлигини айтиб ўтмай бўлмайди.

Чиқакам бахт деб шунга айтадилар-да!

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Суратда: профессор С. Йўлдошева студентлар билан машғулот пайтида.

А. Абалян фотоси.

ТАЛВАСА

Қосим аканинг ҳовлиси. У ҳозиргина сўйилган мол гўштини тарозида тортиб нимта-нимта қилиб қўймоқда. Шу пайт эшик тақиллайди.

Қосим—Ия, оббо... Ким...

Овоз—Мен дадаси. (Эшик орқасидан аёл товуши эшитилади).

Қосим — Сен кимсан!

Хуринисо—Вой, сизга нима бўлди, мен-да, дадаси...

Қосим—(Кўксига туфлаб) Ўз паноҳингда асрагин...

(Титраб-қақшаб эшикни очади).

Хуринисо—Дадаси, овозимдан танимадингиз-а...

Қосим—Бундай пайтда сенинг овозинг экан-ку, ўзимникиниям танимайман...

Хуринисо—Булар харидорлар, бир кийимдан атлас олишди. Яна керак дейишувди, олиб келақолдим. **(Хуринисо уйдан икки кийимлик атлас олиб чиқади. Қосим ака эса ҳаяжон билан кузатиб туради).**

Қосим—Пулладингми?

Хуринисо— **(пулни санаб)** Ҳа, дадаси.

Қосим—Хотинжон бундан буёғ харидорларни уйга олиб келма. Тагин бир балога дучор бўлмайлик...

Хуринисо—Вой, намунча. қўрқмасангиз...

Қосим—Энди, хотин сен атласни баббаравар фойдасига сотаяпсан, битта-яримта милицияга хабар қилиб қўйса...

Хуринисо— Қассобчилигингизни биров сезиб қолса-чи...

Қосим—Бизнинг йўриғимиз бошқа. Маҳалла раиси менинг паноғоҳим, бахтимизга у киши омон бўлсинлар. Бизга гард юқтирмайдилар. Қосим ака бечора ҳол, дейдилар, қўядилар.

Хуринисо— Қассобчилигингизни ҳеди чиқиб қолса-чи...

Интермедия

Қосим —Э, нафасингни иссиқ қил... **(Шу пайт эшик зарб билан тақиллайди).**

Хуринисо—Вой шўрим, гўштни яширинг... Энди нима қиламиз?

Қосим—Айтмадимми, ҳалиги харидорларнинг бир корҳол бошлаб келганга ўхшайди.

Хуринисо—Киимм...

Овоз — Мен, Тўлаганман... **(Эшик очилиб, Қосимнинг дўсти кириб келади).**

Хуринисо—Ҳе, ваҳимангиз қурсин...

Тўлаган—Қосимбой қаёқдалар?

Қосим—Овоз чиқарсанг бўлмайдими, юрагимни ёраёзингку!...

Тўлаган—Кечаси чойхонага чиққанмидинг?

Қосим—Йўқ, нима бўлди?

Тўлаган—Сен икки қулоғингга пахта тиқиб олиб, қассобчилик қилишдан бошқани билмайсан...

Қосим—Тинчликми ўзи?

Тўлаган—Тинчликми, дейди, тағин, хангоманинг каттаси бўлди!

Қосим — Гапирақолсангчи, бирон ерга ўт тушдими.

Тўлаган—Ўт ҳам гапми?...

Қосим—Кимникига?

Тўлаган—Кимникига бўларди, сен билан меҳи юрагимизга. Кечаси маҳаллада мажлис ўтказишди. Юқоридан текширувчилар келишди... Мажлис катта бўлди. Хуллас маҳалла раиси Тўрахон ака ишдан олиб ташланди.

Қосим—А... Ростанми... Вой юрагим... Сув...

Хуринисо—Вой ўлай, энди нима қиламиз, ҳой дадаси, ўзингизни тутинг...

Қосим—Ўрнига кимни сайлашди? **(Хириллаб сўради Қосим)**

Тўлаган—Пенсионер Собир отани!

Қосим—Мусичадай беозор Тўрахон аканинг нима гуноҳи бор эди. Ахир ҳаммаларинг қараб турабердиларингми?!!

Тўлаган — **(қўл силтаб)** Гапирмадиларингми, дейди-я. Ахир у кишини сен билан менга ўхшаган бекорчиларни қаноти остига яшириб келган, деб роса дўппослашди-я, яна...

Қосим—Оббо, бизга ҳам осилишди дегин. Тавба, Собир отага ҳайронман, катта пенсия олади. Тинч ўлтирмайдими?!

Тўлаган—Чолда ҳам гап кўп экан, ҳали ишга тушмасидан нима дейди, денг, маҳаллада битта ҳам бекорчига йўл қўймаймиз, дейди. Савдогарчиликка қарши кўпчилик бўлиб курашамиз дейди. **(У овозини пасайтириб давом этади).** Кечаси билан ўйлаб, миямга бир фикр келди.

Қосим—Сенда мия нима қилади. Хўш, қани айтчи?

Тўлаган—Бирон жойга ишга кирсак...

Қосим—Ана айтмовмидим, сенда мия йўқ, деб.

Тўлаган—Энди. айтдим, қўйдим-да ишга кирмасак...

Хуринисо—Тўлаган ака тўғри айтяптилар...

Қосим—Сен эркакларнинг гапига аралашма, тур, хамирингни қил!

Тўлаган—Энди...

Хуринисо—Дадаси, ахир... **(Шу пайт эшик тақиллайди. Хуринисо очади. Кўча томонда янги раис Собир ота, погон тақкан икки киши кўринади).**

Қосим—Ана келишди! **(чангаллаб турган гўштни сўри тагига яширтади).** Мен, мен...


Ақида ЁҚУБОВА.

УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН

Горький кўчасида очилган универсал магазини 41-уйнинг биринчи қаватини тўла эгаллаган. Яхлит ойналардан тушиб турган нур гўё камалакдай товланади. Янги магазиннинг 17 бўлимида 24 ходим меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатяпти.

Магазиннинг радио, телевизор ва магнитофонлар сотиладиган бўлимида кредитга ҳам мол олиш мумкин. Газмоллар бўлимида эса бичиқчилик столи ташкил этилган. Харидор харид қилган газламани шу ерда ўзига мослаб бичтириб олиши ва магазин ёнидаги модалар ателъесига топшириб кетиши мумкин. Бошқа бўлимларда ҳам мана шундай қулайликлар мавжуд.

Олмаликда турар-жойлар билан бир қаторда маданий-маиший бинолар қурилишининг ҳам йил сайин кенгайиб бораётганлиги барчани қувонтирмоқда.



Чирчиқ дарёси соҳилида.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.
Г. 1644. Р — 02508.

Реклама ва ғалонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
18.30 — Кўрсатувлар программаси.
Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар. 18.50— Мультфильм. 19.05 — Тошкент шаҳар 9-сон музика мактаби ўқитувчиларининг концерти. 19.45 — «Ильич орзулари — амалда». 20.05 — Кўрсатувлар программаси ва реклама.
Ўзбек тилида: 20.15 — Телеянгиликлар. 20.30 — Ота-оналар университети. 21.10 — «Ишчи — фахрли ном» (Телепрограмма). 22.10 — «Чупег» махфий командаси» (Бадиий телефильм, 2 серия).
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ
Рус тилида: 11.30 — Жамиятшунослик. 10 синф. «КПСС — халқаро коммунистик ҳаракатнинг асосий қисми». 12.00 — Ўқув фильм. 12.25 —Жамиятшунослик. 10 синф «КПСС — халқаро коммунистик ҳаракатнинг асосий қисми» (Ўзбек тилида). 18.00 — «Дўстлик» экрани (Фрунзе кўрсатади).
20.00 дан — Москва кўрсатади.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
20.00 — «Павел Постишев» (Ҳужжатли фильм, Ўзбек тилида).
Рус тилида: 20.10 — «Улик жондар» (Телеспектакль, 1 қисм).
21.50 — Совет Иттифоқи халқ артисти С. ЛЕМЕШЕВ концерти.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/V да Чио-Чио-Сан, 15/V да Травиата, 16/V да Тўй кунида.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/V да Жон қизлар, 15/V да Бахт тўйи, 16/V да Кумуш тўй.
ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/V да Учинчи орзу (кундуз соат 4-да).
«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА—ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДАГИ БАЛЕТИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—ЛИЛИПУТЛАР ИШТИРОКИДА ЯНГИ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ ПРОГРАММАСИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

Мазандарон шери — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).
Умар Хура — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Халоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Тошкент давлат циркида
24 МАЙДА
МАВСУМ ТУГАЙДИ
лилипутларнинг музикали аттракцион артистлари иштирокида
янги программа
Постановкачи—РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими М. КАЧУРИНЕР.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ
МАРТА
БОЛГАРИЯ ЦИРКИ
АРТИСТЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
Томошалар кеч соат 8 да бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 1-ЕҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИГА
станокчилар, дурадгорлар, тунукачилар, пайвандчилар
КЕРАК
Елғиз кишилар Тошкент шаҳрига прописка қилинади ва ётоқхона билан таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 47 уй (6, 51 автобусларнинг «Карбарун заводи» бекати).

«ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА
монтажчилар, электр пайвандчилар, сувоқчилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Иш ҳақи — ишбай ва мукофотли.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорақамиш массиви, 1 микрорайон, 7 уй (40, 42, 43 автобусларнинг «Қорақамиш» бекати).